

**"SHARG'UNKO'MIR" АЖ тафтиш комиссиясининг  
2023 йил 4-чорак давомида аффилланган шахслар билан тузилган битимлар  
ёки йирик битимлар мавжудлиги тўгрисидаги  
ХУЛОСАСИ**

2024 йил "3" июнь

Тошкент шаҳри

Ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида"ги Конунишинг 107-моддасига мувофиқ "SHARG'UNKO'MIR" АЖ ижро органи томонидан тақдим этилган хужжатларга биноан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида"ги Конунишинг 85-моддасига мувофиқ Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

**Кўйидагилар жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:**

**1)** ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

**2)** ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин кариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

**3)** ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

**4)** ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

**5)** ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

**6)** ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

**7)** ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир кисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин кариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир кисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

**8)** ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин кариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

**9)** яқин кариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир кисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

**10)** ушбу жамият директорининг ёки бошкарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда кайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

**11)** ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига киравчи юридик шахс.

**Куйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:**

**1)** ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари кайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

**2)** ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари кайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

**3)** ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахса ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Жамият томонидан 2023 йил 4-чорак давомида ушбу хуносанинг иловасида келтирилган аффилланган шахслар билан битимлар тузилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги Конунишининг 88-моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаси ёки акциядорларнинг умумий йигилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъкудлаш ҳакида карор қабул қилишга ҳакли.

Шунга кўра жамият акциядорларининг 2023 йил 30 июнданги умумий йигилиш қарорига асосан аффилланган шахслар билан келгусида “SHARG’UNKO’MIR” АЖ томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг келгуси йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлари маъкудланган.

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ томонидан жами 359 дона шартномалар тузилган бўлиб ундан 7 донаси аффилланган шахслар билан тузилган шартномалардир.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги Конунишининг 83-моддасига мувофиқ Жамият томонидан мол-мulkни олиши ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мulkни бошқа шахсга бериш эътимоли билан бөглиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро бөгланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаетган мол-мulkнинг ёки олинаётган мол-мulkнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари миқдорининг ўп беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунининг 84-моддасига мувофиқ Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиши тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиши тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чикиб кетган аъзоларнинг овози инобатта олинмайди. Йирик битим тузиши масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиши тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг карорига кўра акциядорларнинг умумий йигилиши хал килиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Жамият томонидан 2023 йил 4-чорак давомида йирик битимлар тузилмаган.

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ  
Тафтиш комиссияси раиси:

Тафтиш комиссияси аъзолари:

Х.Ф. Дўсматов

Ш.А. Абдулахатов

З.О. Ицимов